*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 45 (5906).

4 МАРТ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

## ПАРТИЯ ТОПШИРИҒИНИ БАЖАРАМИЗ!

Андижонда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, 1976 йилги халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлар учун шаҳарнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Байроқни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков топширди.

— Биз, андижонликлар,— деди ўз нутқида «Электродвигатель» заводининг прессловчиси Н. Ф. Голев, — ўз меҳнатимизга ана шундай юқори баҳо берилганлигидан ғоят тўлқинландик. Бу мукофот бизни янада зўр илҳом ва ғайрат билан ишлашга чорлайди, шундай ишлайликки, Ватан бизга «раҳмат» айтадиган бўлсин.

Йиғилишда шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Й. Ҳамидов, ёғ-мой комбинати партия ташкилотининг секретари З. А. Алексеева ва бошқалар сўзга чиқиб юксак мукофот учун партия ва ҳукуматга, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга миннатдорчилик билдирдилар. Нотиқлар Андижон меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни, партиянинг XXV съезди тарихий қарорларида белгилаб берган вазифаларни шараф билан бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар деб ишонтирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети номига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XI СЪЕЗДИГА

**Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети касаба союзлари XI съездининг делегатларини — республика қаҳрамон ишчилар синфи, шонли колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг вакилларини қизғин ва самимий табриклайди.**

**Ўзбекистон касаба союзларининг XI съезди КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ кураши, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун меҳнаткашларнинг куч-ғайратини сафарбар қилиш даврида, КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори ватанпарварлик ғайрат-шижоатини ғоят кучайтириб юборган бир вазиятда ўтмоқда.**

**Бизнинг мамлакатимиз ўтган йили ленинчи партия, КПСС Марказий Комитетининг, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун оташин курашчи, замонамизнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг раҳбарлигида бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашда, халқаро кескинликнинг юмшатилишини чуқурлаштиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Янги беш йилликнинг биринчи йилида ватанимизнинг иқтисодий қудрати янада мустаҳкамланди, халқ турмушининг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси юксалди.**

**Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қўлга киритилаётган муваффақиятларга катта ҳисса қўшмоқдалар. Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Деҳқонлар ажойиб муваффақиятлари билан Ватанга қувонч бахш этдилар. Колхозлар ва совхозлар пахтачиликнинг бутун тарихида биринчи марта рекордли пахта ҳосили — 5 миллион 338 минг тонна пахта териб олиб, давлатга топширдилар. Дон, хусусан маккажўхори ва шоли, шунингдек сабзавот ва полиз экинларини етиштириш кескин суратда ортди. Жамоат чорвачилиги маҳсулдорлиги кўпайди. Ўтган йил ичида кўпгина уй-жой, мактаб, болалар муассасалари, маданий-маиший объектлар қурилди.**

**Касаба союзлари экономика ва маданиятни ривожлантиришга, меҳнаткашларни тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қувватлардан яхши фойдаланиш, тежамкорлик учун, ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажариш, ихтирочилик ва рационализаторликни ривожлантириш учун ватанпарварлик ташаббусларини ёйиш соҳасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Касаба союзларининг меҳнаткашларни юксак ғоявийлик, социалистик интизом ва уюшқоқлик руҳида, коммунистик аҳлоқ принциплари ва нормаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги роли ошиб бормоқда.**

**Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам яхши кайфият, ишонч ва умидворлик туйғулари билан беш йилликнинг иккинчи йилини бошладилар, 1977 йилнинг юксак социалистик мажбуриятларини ва умуман беш йилликни бажариш учун курашни кенг авж олдирдилар. Саноатдаги илғор ишчилардан 14 киши ва қурилишдаги илғор ишчилардан 15 киши уч ярим-тўрт йиллик планларни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача бажариш ва ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планларни тугаллаш соҳасида ажойиб ташабббус билан майдонга чиқди. Неча юз минглаб меҳнаткашлар ватанпарварларнинг ана шу қимматли ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. Қишлоқда кўпгина эзгу ташаббуслар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Ишчиларнинг, колхозчиларнинг, зиёлиларнинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини ва беш йилликнинг шундан кейинги йилларини янги буюк муваффақиятлар билан кутиб олиш йўлидаги аҳдпаймони кучайиб бормоқда.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика касаба союзларининг фаолиятига юксак баҳо берган ҳолда, уларни меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва тарбия ишини зўр ғайрат ва сабот билан олиб боришга, барча бўғинларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга эришиш, меҳнат ҳақидаги қонунлар ва хавфсизлик техникасига риоя қилиниши устидан жамоатчилик контролини кучайтиришга, меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилаш билан актив шуғулланишга даъват этади.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика касаба союзлари партия ташкилоти раҳбарлигида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXV съезди белгилаган улкан вазифаларни амалга оширишга, Ўзбекистон меҳнаткашлари 1977 йилда қабул қилган социалистик мажбуриятларни ва умуман ўнинчи беш йилликни бажаришга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.**

**ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.**



ТОШКЕНТ. 3 март 1977 йил. Ўзбекистон Касаба союзларининг XI съезди. Суратда: съезд мажлислар зали.

А. Абалян фотоси.

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XI СЪЕЗДИ

А. Навоий номли театр тантанавор безатилган. 3 март куни бу ерда Ўзбекистон касаба союзларининг XI съезди очилди. Касаба союзларининг сафларига бирлашган республиканинг уч миллион тўққиз юз минг меҳнаткаши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида ўз фаолиятини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун, КПСС XXV съезди талаблари асосида касаба союзлари ишини янада такомиллаштириш учун нималар қилиш зарурлиги ҳусусида биргаликда фикрлашиб олиш мақсадида бу ерга ўз вакилларини юбордилар.

Съезднинг раҳбар органлари сайланади. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари съезд президиумидан жой оладилар. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, ВЦСПС секретари А. В. Викторов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев президиумда ўтирибдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан съезднинг фахрли президиумига сайланади.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг ҳисоботи.
2. Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясининг ҳисоботи.
3. Ўзбекистон касаба союзларининг республика Советини сайлаш.
4. Ўзбекистон касаба союзларининг ревизия комиссиясини сайлаш.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. У Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республика касаба союзлари XI съездига табригини ўқиб берди ва нутқ сўзлади.

Узсовпроф раиси М. А. Зоидов Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг иши тўғрисида ҳисобот доклади қилди.

Ўзбекистон касаба союзлари ревизия комиссиясининг раиси А. Е. Григорьев шу комиссиянинг ҳисобот докладини қилди.

Докладларни муҳокама қилишда Тошкент область касаба союзлари Советининг раиси А. В. Браилов, Самарқанд суперфосфат заводининг аппаратчиси С. Қаландаров, Қорақалпоғистон область касаба союзлари Советининг раиси Д. К. Қутибоев, Ўрта Осиё темир йўли касаба союзлари Советининг раиси С. Н. Комилов, Марғилон «Атлас» шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Хусанова, Самарқанд область касаба союзлари Советининг раиси М. Х. Ҳасанова, «Висотстрой» трестининг Тошкентдаги 17-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Қорабоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раиси М. Иброҳимов, Сурхондарё область қасаба союзлари Советининг раиси Г. Ф. Мўминов, «Ёш гвардия» нашриёти бош редакторининг ўринбосари Э. Воҳидов, Андижон область касаба союзлари Советининг раиси Т. Р. Каримова, Сирдарё область, Боёвут районидаги Руцкий номли совхоз сут-товар фермасининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. А. Котова, Наманган область касаба союзлари Советининг раиси М. Эгамбердиев, Қўнғирот районидаги Чапаев номли шоликор совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони У. Бекниёзов, Фарғона область касаба союзлари Советининг раиси П. Латибжонов қатнашдилар.

Съезд мандат комиссиясининг докладини тинглади ва уни тасдиқлади.

Шу комиссия раиси А. И. Будагов мандат комиссиясининг докладини қилди.

Пионерлар съезд қатнашчиларини табрикладилар.

Қардош республикаларнинг касаба союз ташкилотларидан съезд номига келган табрик телеграммалари ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон касаба союзларининг XI съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзТАГ).

## ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

ЧИРЧИҚ, 2 март. (ЎзТАГ). Бугун Чирчиқдаги саноат корхоналари пешқадамларидан юзлаб кишилар Чирчиқ шаҳрини ҳамда Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширишга бағишланган тантанали йиғилишда қатнашмоқ учун химиклар саройида тўпланишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Қизил байроқларни шаҳар ва бирлашма вакилларига топширди. Шаҳар меҳнаткашлари ва химиклар республика социалистик мусобақасининг якунларига кўра ана шу мукофотга сазовор бўлдилар.

Йиғилишда «Электрохимпром» директори В. Қодиров, ана шу бирлашма аммиак ишлаб чиқариш аппаратчиси М. Исоқова, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Г. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз меҳнатларига юксак баҳо берганликлари учун ташаккур билдириб, олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришга бел боғлаганликларини айтдилар. Бу мажбуриятларда шаҳар корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини 27 декабргача бажариши кўзда тутилади. «Электрохимпром» химиклари пландан ташқари 40 минг тонна ёки дастлабки мажбуриятдагидан 10 минг тонна кўп минерал ўғит ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдалар.

* * *

НУКУС, 2 март. (ЎзТАГ). Область партия ташкилотининг бугун бўлиб ўтган активи йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Камолов шу ҳақда доклад қилди.

Йиғилиш иштирокчилари автоном республика шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1976 йил октябрь Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашни кун сайин авж олдираётганликларини таъкидлаб ўтдилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида Қорақалпоғистон АССРга кўчма Қизил байроқ берилганлиги меҳнаткашларнинг кучига-куч ғайратига-ғайрат қўшди. Эришилган муваффақиятларга юксак баҳо берилганлигидан руҳланган саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ходимлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг коллективлари Октябрнинг 60 йиллиги байрам қилинадиган йилда эгалланган марралардан анча ўзиб кетиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров йиғилишда нутқ сўзлади. У Қорақалпоғистон АССРга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди. Автоном республика 1976 йил халқ хўжалиги плани ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак кўрсаткичларга эришганлиги туфайли ана шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Йиғилиш иштирокчилари Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари Октябрнинг 60 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлари билан нишонлайдилар деб КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматини ишонтирдилар.

* * *

**Орденли «Ташсельмаш» заводининг йиғув цехи байрамлардагидек безатилган. 2 март куни бу ерда коллективга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилишига бағишланган митинг бўлди. Ташсельмашликлар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори натижаларга эришганликлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлдилар. Байроқни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев топширди.**

**— Завод коллективи шундай шарафга муяссар бўлганлиги учун партия ва ҳукуматдан миннатдор, — деди митингда сўзга чиққан токарь Ю. И. Степаненко. —Ватан мукофоти беш йилликнинг иккинчи йилини меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашимизни тақозо этади. Завод коллективи икки ой мобайнида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент кўп маҳсулот чиқарди. Бу — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига корхонада кенг қулоч ёзган мусобақа натижасидир.**

**Митингда сўзга чиққан завод директори И. Х. Мусин, созловчи Г. Кавардакова ва бошқа ташсельмашчилар шу йилги планни ва умуман беш йиллик планини ошириб бажаришга аҳд қилганликларини айтдилар.**

**Митинг аҳлининг гулдурос қарсаклар остида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетига табрикнома қабул қилинди.**

(ЎзТАГ).

## СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

3 март куни СССР журналистлар союзи правлениесининг биринчи пленуми бўлди. Пленум СССР журналистлар союзининг раҳбар органларини сайлади.

«Правда» газетасининг Бош редактори В. Г. Афанасьев СССР журналистлар союзи правлениесининг раиси қилиб сайланди. П. Ф. Алексеев, Л. М. Замятин, С. Г. Лапин, А. И. Лосев, Б. И. Стукалин, Л. Н. Толкунов правление раисининг ўринбосарлари қилиб сайландилар.

СССР журналистлар союзи правлениесининг секретариати ҳам сайланди.

* * *

СССР журналистлар союзи марказий ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. В. И. Новиков шу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).

## *ЖАНГОВАР ИШ ПРОГРАММАСИ*

### *СССР ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ IV СЪЕЗДИ*

СССР Журналистлар союзининг IV съезди Катта Кремль саройида уч кун давом этди. Съезд оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимларининг партия ва халқ ишига, коммунизмнинг буюк ишига чексиз садоқатини намойиш қилди.

Съезд делегатлари Г. Сафиева (Тожикистон), Д. Д. Турсунов (Қирғизистон), А. В. Хачикян (Арманистон), А. М. Мамедов (Туркманистон), В. И. Федотова, В. И. Севастьянов, Я. Н. Засурский (Москва), А. Т. Сааремяги (Эстония), В. Л. Аракчеев (Набережние Челни) ва бошқалар ўз нутқларида матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш, нашриётлар ва информация агентликлари ходимлари кўп минг кишилик отрядининг бутун фаолияти КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга оширишга, совет давлатининг коммунистик қурилиш йўлидан ғолибона юришининг 60 йил мобайнида эришган ютуқларини атрофлича кўрсатиб беришга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Съезд делегатлари совет Журналистикасини ривожлантиришга ғоят катта эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганликлари учун жонажон партияга, КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги унинг Сиёсий бюросига совет матбуотининг барча ходимлари номидан қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Вьетнам Социалистик Республикаси радиоси ва телевидениесининг бош директори Чан Лам, Корея Халқ Демократик Республикаси журналистлар союзи Марказий Комитети раисининг ўринбосари Хан Дюн Тхек, Кубада чиқадиган «Гранма» газетаси бош редакторининг ўринбосари Х. Ортис, Польша журналистлар союзи бош правлениесининг раиси Я. Метковский, Румыния Социалистик Республикаси журналистлар кенгашининг раиси О. Палер съезд қатнашчиларини, барча совет журналистларини табрикладилар.

Съездда КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари В. Н. Севрук нутқ сўзлади.

3 март куни СССР Журналистлар союзининг правлениеси ва ревизия комиссияси сайланди.

Съезд делегатлари СССР журналистлар союзи правлениесининг ҳисобот давридаги амалий ишини маъқулладилар.

Ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилинди. Съезд Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, партия XXV съездининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида ва нутқларида баён қилинган қоидалар ва ҳулосаларни СССР журналистлар союзининг бутун фаолияти учун асос қилиб олиш тўғрисида якдиллик билан қарор қилди.

Сўнгра делегатлар баъзи тузатишлар киритган ҳолда СССР журналистлар союзининг Уставини тасдиқладилар.

Съезд иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар. Партия совет журналистларига юксак ишонч билдириб, эътибор бераётганлиги ҳар биримизни коммунизмнинг улуғ ишига янада кўпроқ собитқадамлик билан фидокорона хизмат қилишга руҳлантиради, дейилади табрикномада. КПСС XXV съездининг қарорлари — оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолияти учун, шу воситаларнинг экономикани, фанни, маданиятни ривожлантиришга, бутун ижтимоий ҳаётга ўтказаётган таъсирини янада кучайтириш йўлида жанговар программа, кундалик ишимизнинг аниқ ва ишончли компасидир. Биз партия съезди ғоялари ва қарорларини ҳормай-толмай пропаганда қилишни, шу ғоялар ва қарорларни амалга ошириш учун курашаётган кишиларнинг олдинги сафларида бўлишни ўзимизнинг фахрли бурчимиз деб биламиз.

Съезд қатнашчилари совет журналистлари ўзларининг бутун куч ва маҳоратини, ижодий илҳомини халқимизга, Ленин партиясининг жанговар ёрдамчилари деган юксак номга муносиб бўлиш учун шу партиянинг идеалларига садоқат билан хизмат қилишга бағишлайдилар деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирдилар.

(ТАСС).

